

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100 – 3.08
2017 йил “ 2 ” 06



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “ 28 ” 06

ЖУРНАЛИСТИКА ҲУҚУҚИ ВА ЭТИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Тошпўлатова Н. – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудире, ф.ф.н., доцент
- Қосимова Н. – ЎзДЖТУ, “Аудуовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси доценте, ф.ф.н.
- Саидов Ф. – ЎзДЖТУ “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

- Ю.Ҳамдамов – ЎзМУ, “Рақамли ОАВ” кафедраси доценте, филология фанлари номзоди (*турдош ОТМ*)
- Г.Нишонова – ЎзМУ, “Жамоатчилик билан алоқалар назарияси ва амалиёти” кафедраси доценте, филология фанлари номзоди (*турдош ОТМ*)

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий

таълимдаги ўрни

“Журналистика ҳуқуқи ва касб этикаси” фани икки қисмга бўлинган ҳолда ўқитилади. “Журналистика ҳуқуқи” курсининг маъруза ва семинар машғулотлари ривожланган демократик давлатлар ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари қонунчилиги бўйича тузилган бўлиб, оммавий ахборот воситалари ва унда фаолият кўрсатадиган журналистнинг ҳуқуқлари, қонунларга қай даражада амал қилиши ва касбий бурчи, унинг қонун, жамият ва халқ олдидаги мажбуриятлари нимадан иборат эканлиги ҳақида тушунча беради. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари қонунчилигининг давлат ва жамият тараққиётида тутган ўрни, унинг халқаро ҳуқуқий меъёрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАВлари қонунчилигида акс этиши ҳақида фикр юритилади. Ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишда бўлғуси журналистнинг ҳуқуқий мақоми, бурчи, касбий сири ва мажбуриятларини амалга ошириш чоғида амал қилиш лозим бўлган ҳуқуқий меъёрлар ҳақида маълумот берилади.

“Журналистикада касб этикаси” фани гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар туркумига киради ва барча журналистика факультетларининг бакалавриат таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур фан бошқа фанларнинг назарий ва услубий бир қисмини ташкил қилиб, ўз ривожига аниқ йўналишдаги журналистика мутахассислигига кирувчи фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асосларини журналистика фаолиятига дахлдор бўлган халқаро ва миллий қонунчилик меъёрлари ҳамда қонуности ҳужжатлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистларнинг фаолият жараёнида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларни амалиётда қўллаш юзасидан кўникма ва малакани шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларда журналистик фаолият жараёнида қонуний талаблар асосида иш олиб бориш ҳақида тасаввур уйғотишдан иборат. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари вужудга келишининг ҳуқуқий асослари, рўйхатдан ўтиши, гувоҳнома олиш тартиби,

Ўзбекистон ОАВларининг халқаро доирада фаолият юртишига доир ҳуқуқий асослари. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”, “Фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти”, “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа Конвенцияси” ни (киришда қайд этилган) амалиётда қўллаш заруратини ;

- халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ахборот билан ишлашнинг қонуний кафолатланишини, ахборотнинг халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилинишини, ОАВда фаолият кўрсатадиган журналистнинг ҳуқуқий мақоми, субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини;
- сўз ва матбуот эркинлигининг халқаро ҳуқуқий меъёрларда мустақамланишини, сўз ва матбуот эркинлигининг глобаллашув шароитидаги аҳамиятини;
- Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ҳукуматлараро) халқаро ҳуқуқий шартномаларнинг ОАВ фаолиятидаги аҳамиятини, хорижда ишлайдиган маҳаллий журналистлар ва халқаро журналистнинг мамлакатдаги фаолиятининг қонуний ҳимоя қилинишини;
- медиакорпорацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, уларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлар билан (давлатлар, халқаро ташкилотлар) билан муносабатларини, халқаро ахборот алмашишдаги иштирокини;
- ОАВ фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда журналист мажбуриятларини, ОАВ фаолиятида низоларни суд орқали ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳал этишни;
- журналистга нисбатан таҳдид ва уни бартараф этиш йўллари, экстремал ҳолатларда журналист иштирокининг қонуний таъминланишини;
- давлат органларининг ОАВ фаолиятини халқаро доирада ташкил этишдаги мажбуриятларини, журналистларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига тааллуқли халқаро шартномаларни изоҳлаш, шарҳлашни *билиши керак*.
- журналистикада касб этикасининг ўрни ва аҳамияти, мустақил хорижий мамлакатлар ОАВ фаолиятида касб одоби асосларини ташкил этиш назарияси, - касб этикаси кодекслари, радио, телевидение ва ахборот агентликлари билан узвий алоқалар ўрнатиш амалиёти, ушбу жараёнда журналистнинг ижодий ва ташкилотчилик маҳорати, унга қўйиладиган талаблар, бугунги кунда касб этикасининг жамиятда тугган ўрни ва аҳамияти, касб одобининг ривожланиш жараёни ва

- тамойиллари, материал тайёрлашда барча замонавий усуллари, технологиялари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ОАВ фаолиятида журналист касб этикасини ўрганиш, уларнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини аниқ мисоллар асосида изоҳлаб беришни, талабаларда журналист маҳоратини оширишни, ҳар бир ОАВ ходимининг касб этикасига риоя этиши зарурлигини, мустақилликка қадар ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ОАВда касб этикаси асослари сезиларли даражада кенгайганлиги ҳамда журналистикада профессионаллашувнинг пайдо бўлишига олиб келганлигини билиши ва улардан фойдалана олиши;
 - ривожланган мамлакатлардаги ОАВда касб этикаси асослари ва журналист профессионаллашувидан келиб чиқиб, тажриба ўрганиш, ОАВ материалларида касбий этика меъёрларининг бузилишига, мафкуравий
 - хуружларга қарши курашиш, хориж матбуотида чиққан, ТВда, кинода, интернет сайтларида намоиш этилган айрим материалларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Журналистикада касб этикаси

1-мавзу. Жаҳон журналистикасида умуминсоний кадриятлар ва журналист касб одоби мувозанати

Журналистнинг касб этикаси тушунчаси. Журналистикада касб этикасининг объекти, предмети ва вазифалари. Демократик матбуотда касб этикаси фанининг истиқболи. Журналистикада миллий ва умуминсоний кадриятлар мувозанати. Журналистикада касб этикаси ва унинг умумий этикадан фарқлижиҳатлари. Қулдорлик даври фалсафаилмининг ажралмас бир қисми сифатида вужудга келгани, қадимги дунё донишмандларидан бўлмиш Арасту томонидан атама сифатида муомалага киритилгани. Этика кишиларда одоб-ахлоқ муносабатлари, тушунчалари, кадриятлари, қонуниятлари вужудга келишини, уларнинг одамларни бошқарувидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиши. Касб этикаси тушунчаси умумий этиканинг узвий ва ажралмас, лекин ундан тубданфарқ қилувчи тушунча эканлиги. Бошқа

касб этикаларига ўхшаш жиҳатлари борлиги, лекин журналистнинг касб-кори бошқаларникидан тубдан фарқланиши.

2-мавзу. Журналистнинг касб этикасини ўрганиш тарихидан (ўзбек ва ва жаҳон журналистикасида касб этикаси масалалари мисолида)

Оммавий ахборот воситаларининг дастлабки тарқалиш ва кўпайиш босқичлари (қадимги, XX аср ва замонавий журналистика мисолида) ҳамда журналистнинг касб этикаси талаблари қай тариқа ҳаётий заруриятга айлана боришига дахлдор босқичлар. Жаҳон журналистикасида журналистнинг касб одобига доир дастлабки ҳужжатлар. Халқаро журналистикада ушбу муаммога тааллуқли адабиётлар. Ўзбекистон журналистикасида касб одоби муаммоларининг шаклланиши. Журналистнинг касбий вазифаси, бурчи, масъулияти ва касбий-инсоний одоби ўртасидаги мувозанат. Матбуотда цензура ва журналистнинг касб одоби тушунчалари

3-мавзу. Касб этикаси кодекслари

Жаҳон журналистикасида касб этикаси кодексларини яратиш тарихи. “Матбуот эркинлиги ҳақида”, АҚШ “Журналистика канонлари”, “Француз журналистларининг касб бурчлари хартияси”, “Ахлоқ нормалар кодекси”, “Журналистлар мажбурияти хартияси”, “Литва журналистларининг касб кодекси”, “Норвегия матбуоти касб кодекси”, “Журналист касб деонтология кодекси”, “Публицистика принциплари (Матбуот кодекси)”, “Словения Республикаси журналистларининг кодекси”, “Матбуот радио ва телевидение ходимлари учун одоб кодекси” “Ўзбекистон журналистларининг касб одоби кодекси” .

4-мавзу. Фотожурналистикада касб одоби меъёрлари

Фотожурналист ижодининг ўзига хос усусиятлари. Фотожурналистиканинг вужудга келишида касб одоби меъёрларига риоя этиш масалалари. Фотошопда ахлоқ меъёрларига зид ҳолатлар. Фотожурналистларнинг ахлоқий кодекслари.

5-мавзу. Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси

Анъанавий журналистика ва XX асрнинг иккинчи ярмидан радио ва ТВ журналистикасининг вужудга келиши, уларда касб одоби нормаларининг ўхшашлиги ва ўзига хосликлари. Аудиовизуал журналистика дунёсида

эркинлик ва масъулият мувозанатини сақлаш талаблари. Радиожанрлари хилма хиллигида уларга қўйиладиган ахлоқий талаблар. Телебошловчи имиджи ва унга қўйиладиган талаблар. Ток шоуда этик меъёрлар. Тележанрларда этик меъёрларда риоя этиш.

6-мавзу. Интернет журналистикасида касб этикаси

Интернет тармоғи – аудиовизуал журналистиканинг муҳим ва катта қисми сифатида. Ахборот тарқатиш кўламининг кенгайиши, интернет саҳифаларида электрон нашрларнинг пайдо бўлиши. Интернет журналистикасида халқаро зиддиятли муносабатларнинг ёритилиши. Расмий ва норасмий сайтларда журналист фаолияти касб этикаси. Блог юритиш қоидалари ва касбий меъёрлар. Ижтимоий тармоқларда касб одоби масалалари.

7-мавзу. Фавқулодда вазиятларда журналист касб этикаси меъёрлари

Фавқулодда ҳолат тушунчаси. Фавқулодда вазият турлари. Фавқулодда ҳолатда журналист ҳаракатининг меъёрлари. Ҳарбий ва қуролли можароларда журналист фаолияти. Журналистнинг фавқулодда вазиятлардаги фаолиятида касбий меъёрларга риоя этиш шартлари. Фавқулодда вазиятда фаолият юритувчи журналистларга тавсиялар.

8-мавзу. Фуқоролик жамияти институтларини ёритишда этика масалалари

Миллий давлатчилигимизнинг асосий таянчларидан бири бўлган фуқоролик жамияти институтлари. Фуқоролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти. ННТ фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бошқа шакллари. Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида акс этиши. ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган касбий талаблар. Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари. Халқаро ва миллий журналистикада ННТ фаолиятини ёритишда ахлоқ кодексларига амал қилиш

9-мавзу. Экология журналистикасида этика

Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳал қилиниши зарур бўлган экологик муаммолар. Ўзбекистон экологик журналистиканинг ҳолати ва халқаро тажриба. Экологик муаммолар борасидаги хавфларни камайтиришда ОАВнинг роли. Ахборот манбалари ва улар билан ишлаш қоидалари. Экологик назорат масалалари. Журналист суриштирувида ахлоқий меъёрларга риоя этиш. Экологик журналистиканинг ахлоқий меъёрлари

10-мавзу. Болалар журналистикасида этика

Бола ҳуқуқлари ва журналистика. Оммавий ахборот воситалари стереотиплари. Болалар мавзусини ёритишда журналистлар томонидан йўл қўйиладиган хатолар. Бола мавзусини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар. Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари. Халқаро ва миллий журналистикада болалар мавзусининг акс этишида ахлоқ кодексларига амал қилиш.

2-Модул. Журналистиканинг ҳуқуқий асослари

1-мавзу. “Журналистиканинг ҳуқуқий асослари” фанинг мазмуни, предмети ва методи

“Журналистиканинг ҳуқуқий асослари” фани бўйича ўқув курси ривожланган демократик давлатлар ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкил этилиши муайян ҳуқуқий асосларга қонунчилик базасига таянади. Оммавий ахборот воситаларига дахлдор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг давлат ва жамият тараққиётида тутган ўрни, халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАВда акс этиши ҳақида фикр юритилади. ОАВ ва унда фаолият кўрсатадиган журналистнинг ҳуқуқлари, қонунларга амал қилиши ва касбий бурчи, унинг қонун, жамият ва халқ олдидаги мажбуриятлари нимадан иборат эканлиги ҳақида тушунча берилади. Журналистик фаолиятда журналистнинг ҳуқуқий мақоми, бурчи, мажбуриятлари тўғрисида билимларни ифода этади.

2-мавзу. Оммавий ахборот воситаларини ташкил этишнинг халқаро ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари вужудга келишининг ҳуқуқий асослари. Рўйхатдан ўтиши, гувоҳнома олишнинг қонуний меъёрлари. Ўзбекистон ОАВларининг халқаро доирада фаолият юртишига

оид ҳуқуқий асослар. ОАВнинг ахборот жамиятида фаолият юритишининг халқаро ҳуқуқий меъёрлари асосида кафолатланиши (“Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари халқаро Пакти”, “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенцияси”) жаҳоннинг ривожланган ахборот агентликлари мисолида.

3-мавзу. Ахборот олиш ва уни тарқатишнинг ҳуқуқий асослари

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ахборот билан ишлашнинг қонуний кафолатланиши. Халқаро ҳуқуқий субъектлар — (давлат, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг халқаро ахборот олиш ва тарқатишдаги мажбуриятлари, халқаро ҳужжат асосида). Ахборотнинг халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиниши. Ахборот тушунчаси ва унинг турлари.

4-мавзу. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий тартиби

Ўзбекистонда ОАВ га доир қонунчилик меъёрларининг тузилиши. Ўзбекистонда ОАВ га доир қонунлар. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда тузилиши. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти. Муассис, таҳририят ва матбуот тарқатувчи муносабатларининг қонуний кафолатлари ва уни амалдаги ифодаси.

5-мавзу. Оммавий ахборот воситалари эркинлигининг халқаро ҳуқуқий асослари

БМТнинг сўз ва матбуот эркинлигига оид халқаро меъёрий ҳужжатлари (Ҳужжатлар, Конвенциялар мисолида). Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ички ҳужжатлар (резолюциялар). Сўз ва матбуот эркинлигининг халқаро ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамланиши. Сўз ва матбуот эркинлигининг глобаллашув шароитидаги аҳамияти.

6-мавзу. Халқаро журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолати

Хорижда ишлайдиган маҳаллий журналистлар фаолиятининг ҳимоя қилиниши. Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ҳуқуматлараро) халқаро ҳуқуқий шартномаларнинг ОАВ фаолиятидаги аҳамияти.

7-мавзу. Журналистларни аккредитация қилишнинг қонуний асослари

Журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби. Хорижий мухбирларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юриши. Ўзбекистон Республикаси қўшилган журналистик фаолиятни тартибга солиш бўйича халқаро шартномалар мазмуни. Сайлов жараёнлари ва бошқа турли хил тадбирлар жараёнларида журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби.

8-мавзу. Медиакорпорацияларнинг халқаро ҳуқуқий фаолияти

Медиакорпорацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиш йўллари. Медиакорпорацияларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлар билан (давлатлар, халқаро ташкилотлар) билан муносабатлари. Медиакорпорацияларнинг жаҳон ахборот майдонидаги халқаро ҳуқуқий асослари (нималарга таянади). Жаҳондаги йирик медиакорпорацияларнинг халқаро ахборот алмашишдаги иштироки.

9-мавзу. ОАВда муаллифлик ҳуқуқи ва унинг халқаро ва миллий қонунчиликда кафолатланиши

ОАВда муаллифлик ҳуқуқи. ОАВ муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар. Муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар: Берн конвенцияси, телерадио бўйича Рим конвенцияси. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг моҳияти. Муаллифлик ҳуқуқи бўйича журналист мажбуриятлари

10-мавзу. ОАВ билан боғлиқ низолар ва уларни ҳал этишнинг халқаро ва миллий меъёрлари

ОАВ фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари. ОАВ фаолиятида келиб чиқадиган низоларни суд орқали ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳал этиш. Халқаро доирадаги ПИАР (шов-шув кўтариш) ва журналист ҳуқуқларининг ҳимоя

қилиниши. Тухматга нисбатан чекловлар: миллий ва халқаро қонунчилик тажрибалари. Тухмат қилганлик учун жавобгарлик

11-мавзу. Суд жараёнларни ОАВда ёритиш. Айбсизлик презумпцияси

Очиқ ва ёпиқ суд жараёни. Суд жараёнларини ОАВда ёритишнинг қонуний кафолатлари. Суд жараёнларида журналист иштироки. Суд жараёнларини ёритишда журналист ҳуқуқлари. Суд жараёнида техник воситаларидан фойдаланиш. Айбсизлик презумпцияси тушунчаси.

12-мавзу. Журналист ҳуқуқи, масъулияти ва мажбурияти

“Журналистика фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун моҳияти. Журналистнинг ҳуқуқлари. Журналист мажбуриятлари. Журналистик текширув ўтказишнинг ҳуқуқий асослари. Журналист касбига доир фаолияти кафолатлари.

Иммунитет тушунчаси. Иммунитетга алоқадор субъектлар (давлат раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари ва аккредитациядан ўтган журналистлар). Журналистга нисбатан таҳдид ва уни бартараф этиш йўллари.

13-мавзу. Журналист фавқулотда вазиятларда иштирокчиси сифатида

Фавқулотда вазиятларда журналист иштирокининг қонуний таъминланиши. Фавқулотда ҳолатларда журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқа мажбуриятлари. Журналистнинг ахборот экологияси меъёрларига риоя қилиши

14-мавзу. Ўзбекистон ОАВ фаолиятини халқаро доирада такомиллаштириш масалалари

Давлат органларининг ОАВ фаолиятини халқаро доирада ташкил этишдаги (“Жаҳон”, “ЎЗА”, “МТРК”) мажбуриятлари. ОАВ ходимларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки. (сайловларда кузатувчи, эксперт сифатида). Халқаро шартномаларни изоҳлаш, шарҳлаш. Журналистнинг хорижий давлатларда вакилликни амалга ошириш масалалари (дипломатга айланиш йўллари). Журналистнинг халқаро доирада лидерлик масаласи (“Спасите детей” фонди, халқаро амнистия жамғармаси мисолида).

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари
2. ОАВ оид халқаро меъёрий ҳужжатлар
3. Ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг халқаро қонуний асослари
4. Ўзбекистонда ахборот олишнинг қонуний қафолатлари
5. Сўз ва матбуот эркинлигининг халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида мустаҳкамланиши
6. Журналист фаолиятининг халқаро ҳуқуқий ҳимояланиши
7. Хорижда ишлайдиган журналистлар фаолиятининг ҳимоя қилиниши
8. Муаллифлик ҳуқуқи
9. ОАВ да муаллифлик ҳуқуқининг халқаро ва миллий қонунчиликдаги қафолатлари
10. ОАВ билан боғлиқ низолар ва уни ҳал этишнинг халқаро меъёрлари
11. ОАВ фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари.
12. Суд жараёнларни ОАВда ёритиш. Айбсизлик презумпцияси
13. Журналистнинг иммунитети
14. Фавқулодда вазиятларда журналист иштирокининг қонуний таъминланиши
15. Ўзбекистон ОАВ фаолиятини халқаро доирада такомиллаштириш масалалари
16. Касбий фаолиятда техник воситалардан фойдаланишнинг қонуний талаблари
17. Жаҳон журналистикасида умуминсоний қадриятлар ва журналист касб одоби мувозанати
18. Журналистнинг касб этикасини ўрганиш тарихидан (ўзбек ва жаҳон журналистикасида касб этикаси масалалари мисолида)
19. Касб этикаси кодекслари
20. Фотожурналистикада касб одоби меъёрлари
21. Анъанавий ва аудиовизуал журналистикада касб этикаси
22. Интернет журналистикасида касб этикаси
23. Фавқулодда вазиятларда журналист касб этикаси меъёрлари
24. Фуқоролик жамияти институтларини ёритишда этика масалалари
25. Экология журналистикасида этика
26. Ногиронлиги бор инсонларни ёритишда касб одоби масалалари

27. Болалар журналистикасида этика

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий мисоллар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистон ОАВ фаолияти қонунларнинг ўрни ва аҳамияти
2. Очиқ ва олиними чегараланган ахборотлар билан ишлашнинг ўзига хосликлари
3. Персонал ахборотлар ва уларнинг қонуний ҳимоя қилиниши
4. Сўз эркинлиги олий қадрият
5. Халқаро ҳуқуқий меъёрларда сўз эркинлиги кафолатлари
6. Ахборот хуружларининг сўз эркинлигига таъсири
7. Хорижий мухбирларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари
8. Давлат сиёсатини ёритишда халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг аҳамияти
9. Матбуотда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг акс этиши
10. Халқаро журналист фаолиятида менталитет ва иммунитет тушунчаларнинг аҳамияти
11. Этика тушунчаси ва унинг журналистикада касб этикаси тушунчаси билан уйғунлашуви
12. Ўзбекистон журналистлари ахлоқий меъёрлари
13. “Журналистика канонлари” журналистикада касб этикаси меъёрларини ишлаб чиқишда асосий ҳужжат сифатида
14. Халқаро журналистлар федерациясининг ахлоқий тамойиллари
15. Фотожурналистикада касб одоби меъёрлари
16. Тележурналистикада касб этикаси
17. Радиожурналистикада касб меъёрларига риоя этиш
18. Блоггерлар касб этикаси
19. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи журналистлар касб этикаси
20. Фавқулодда вазиятларда журналист касб этикаси меъёрлари

21. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ёритишда этика масалалари
 22. Экология журналистикасида этика масалалари
 23. Ногиронлиги бор инсонларни ёритишда касб одоби масалалари
 24. Болалар масалаларини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар
- Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

I. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Дўстмухаммедов Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси – Т: 2011
2. Тошпўлатова Н. Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари – Т: 2012
3. John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. Writing and Reporting for the Media, HTM Publishing,. USA, 2015. – 504 p
4. Fred Brown. Journalism Ethics. A Casebook of Professional Conduct for News Media, Fourth edition. Product Details Paperback: 328 pages Publisher: Marion Street Press, LLC; Fourth Edition, Fourth edition edition. 2011

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Лазутина Г.В. Профессиональная этика журналиста. –М.: «Аспект пресс», 2011.
10. Н.Қосимова. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли. –Т.: “Турон иқбол”, 2015.

11. Н.Тошпўлатова. Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. –Т.: ЮНИСЕФ, 2014 й.
12. Н.Қосимова. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. –Т.: “Турон иқбол”, 2016.
13. Н.Қосимова. О.Исаков. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ногиронлик мавзусининг ёритилиши. Т.: ЮНЕСКО”, 2017.
14. Н.Қосимова. Интернет нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятида. –Т.: “Турон иқбол”, 2016.

Интернет сайтлари

15. <http://www.ziyonet.uz/ru/library/appr/on/ds/desc/fs/cdate/fv/rus/libid/21001/>
16. <http://tarixhuquq.zn.uz/39>
17. <http://www.media.utmn.ru/library.php?book=1352>
18. <http://journ-port.ru/publ/25-1-0-127>
19. <http://www.journ.msu.ru/science/books/4367/>
20. http://ethicnet.uta.fi/belarus/journalists_ethics_code
21. http://ethicnet.uta.fi/international/international_principles_of_professional_ethics_in_journalism
22. <http://ethicaljournalismnetwork.org>
23. <http://journalismdegree.com>
24. <http://ethicaljournalisminitiative.org>

